

Ғийбатнинг зарарлари (7-қисм)



20:42 / 21.04.2018 3355

Саккизинчи зарар: қиёмат куни ғийбат қилинган кишининг гўштини ейиш.

Чунончи, бу борада Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадис юқорида зикр этилди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Дунёда ўз биродарининг гўштини еган кишига қиёмат куни (ҳам унинг гўшти) яқинлаштирилади ва унга: «Буни тириклигида еганингдек, ўликлигида ҳам егин», дейилади. Бас, у юзи буришиб, қичқирган ҳолда уни ейди».^[1]

Тўққизинчи зарар: қиёмат кунида ўз гўштини ейиш.

Ҳадис. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Меърож воқеасини баён қила туриб, шундай дедилар: «**Меърожга чиққанимда бир қавмнинг ёнидан ўтдим. Уларнинг ёнбошларидан гўшtlари кесиб олиниб, оғизларига солинар ва: «Биродарларинг гўшtidан еганингиз учун буни енглар», дейилар эди. «Эй Жаброил, булар кимлар?» десам, Жаброил: «Булар умматингизнинг ҳаммоз ва ламмозлари, яъни ғийбатчилари», дедилар.**»^[2]

Ўнинчи зарар: қиёмат кунида ўз баданини тирноқлари билан тирнаш.

«Сунани Абу Довуд»да ривоят қилинган мана бу ҳадис юқорида ҳам ўтди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Меърожга чиққанимда тирноқлари мисдан бўлган бир қавмнинг ёнидан ўтдим. Улар юзлари ва кўксиларини (тирноқлари билан) тимдалашар эди. «Эй Жаброил, булар кимлар?» деб сўрадим. У: «Булар одамларнинг гўштини ейдиган, уларнинг обрўсини тўкадиганлар», деб жавоб бердилар».**^[3]

Ўн биринчи зарар: жаҳаннамда қичимага дучор бўлиш.

Мужоҳид раҳимаҳуллоҳдан нақл қилинади: **«Жаҳаннам аҳлининг баданини қичима қоплайди. Улар тинмай қашланишади, ҳатто баъзиларининг (қашланавериб) териси шилиниб тушиб, суюги кўриниб қолади. Унга: «Бу сенга азият беряптими?» деб нидо қилинса, у «Ҳа» деб жавоб беради. Нидо қилувчи: «Бу (жазо) мўминларга озор берганинг эвазига», дейди».** Бу хабар ҳам юқорида ўтди.

Ўн иккинчи зарар: жаннатга ҳаммадан кейин, жаҳаннамга эса ҳаммадан илгари кириш.

Ғийбатчи одам ўзининг бу ярамас ишидан тавба қилиб вафот этса, жаннатга ҳаммадан кейин киради. Агар тавба қилмасдан вафот этса, жаҳаннамга ҳаммадан олдин киради. Чунончи, юқорида Каъбул Аҳбор раҳимаҳуллоҳдан мана шу мазмундаги хабар келтирилди.

Ҳикоя. «Равзатул воизин»да Мулло Мискин Ҳаравий шундай ёзади: «Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг саҳифаларида: «Эй Одам боласи! Ғийбатни тарк эт. Шунда жаннат сенга муштоқ бўлади», деб ёзилган».

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

^[1] «Ат-Тарғиб ват-тарҳиб», 4294-ҳадис.

^[2] «Танбеҳул ғофилин», 206-ҳадис.

^[3] «Сунани Абу Довуд», 4878-ҳадис.